

ЁШЛАРНИ КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА КАМАРБАСТАМИЗ



Марҳабо Аҳмадова,
Андижон давлат
университети
Ахборот-ресурс
маркази
директор
ўринбосари

Хозирги кунда
марказимизда
17600 номдаги
адабиётларнинг
тўлиқ электрон
шакли мавжуд
бўлиб, улар
АРМнинг
электрон
тизими орқали
тўлдириб
борилмоқда



The main activity of the IRC ASU is aimed at training and developing the young generation. The institution was opened in 1931 at the branch of the Fergana Pedagogical Institute. In 2015, a new institution IRG ASU with all modern technological equipment was put into operation and today the total library fund is more than 500 thousand units of various literatures. In addition, a computer class has been created for students and teaching staff where electronic resources can be used, including foreign electronic resources. The main electronic bases are EBSCO and Elsevier, which make it possible to use advanced scientific and dissertation works.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгута тафаккури ва дунёкарашини юксалтиришда, халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ёшлар онгига сингдиришга, уларнинг маънавиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетига 1931 йилда асос солинган бўлиб, бу олийгоҳ Фаргона педагогика институтининг Андижон филиали сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Институт тасаруфида 1500 китоб фонди билан кутубхона ҳам ташкил этилган.

2015 йилда куриб битказилган ахборот-ресурс марказининг янги биносида 500 мингга яқин адабиётларни жамлаган, 4 та электрон ўқув зали, 6 та босма нашр билан таъминланган ўқув зали, фойдаланувчиларга компьютер хизмати кўрсатиш хоналари ва шинам маънавият хонаси мавжуд. Ахборот-ресурс марказида 5 та бўлим яъни, илмий-услубий ва ахборот-маълумот (даврий нашрлар) бўлими, ахборот-кутубхона ресурсларини бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими, ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлими, электрон ахборот-ресурслари бўлими ҳамда хорижий ахборот-кутубхона ресурслари билан ишлаш бўлимлари ташкил этилган. АРМ китоб фонди таркибида ноёб адабиётларимиз мавжуд,

жамоамиз эса уларни кўз қорачигидек асрар, реставрация ва консервация ишларини амалга оширмоқдалар ва келгуси авлодларга бешикаст етказиб бериш учун камарбасталар. Ахборот-ресурс марказида 82 та компьютер талабалар хизматида. Уларга мавжуд асосий таянч дарсликлар ва уларнинг электрон шакли жойлаштирилган.

Хозирги кунда марказимизда 17600 номдаги адабиётларнинг тўлиқ электрон шакли мавжуд бўлиб, улар АРМнинг электрон тизими орқали тўлдириб борилмоқда. Ахборот-ресурс марказида мавжуд 4 та электрон ўқув зали интернет тармоғи билан таъминланган ва талабалар эркин фойдаланишига имкон яратилган.

АРМнинг kutubxona.adu.uz «Электрон кутубхона» саҳифаси яратилган ва бу саҳифага 200 га яқин тўлиқ матнли электрон ресурслар жойлаштирилган.

Хозирда ҳам электрон ресурслар жойлаштириш ишлари давом этмоқда. Жаҳон илмий-таълимиy маълумотлар базасига ахборот-ресурс маркази уланганилиги ҳамда жамоавий онлайн кириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича республикамиздаги йирик ахборот-кутубхона ва илмий-таълимиy муассасаларни EBSCO ҳамда Elsevier компаниялари илмий-таълимиy маълумотлар базаларига уланиш, илмий тадқиқот ишлари, диссертациялар электрон маълумотлар базасига жамоавий обуна бўлиш ишлари амалга оширилди. Хозирги кунда ундан фойдаланиш даражаси 88,4 фоиз ни ташкил қила-ди.

АРМ эрталаб соат 8:00 дан кечки соат 20:00 гача талabalар хизматида.

Университетнинг 5 та талabalар турар жойи мавжуд бўлиб, у ерда ҳам кечки кутубхоналар ташкил қилинган. Шунингдек, хорижий тиллар факультети талabalariга алоҳида ахборот-ресурс марказининг 57500 нусха китоб фондига эга катта филиали ташкил қилинган.

Ҳар йили республикамиз даврий нашрларига обуна ташкил қилиш ишлари самарали олиб борилади. Жорий йилда 52 номдаги журнallарга обуна ташкил қилинган бўлиб, булардан 32 номдагиси университет таълим йўналишларига оид журнallар ҳисобланади. Мавжуд илмий журнallарнинг электрон версиялари яратилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ахборот-ресурс марказида шу йилнинг январь ҳолатига кўра 62900 номдаги 472000 га яқин босма нашрлар, 100 дан ортиқ электрон нашрлар, 17560 номдаги адабиётларнинг электрон нусхаси мавжуд. Ўтган йилда 376 номдаги 4689 нусха ҳар хил турдаги адабиётлар қабул қилинди. Янги қабул қилинган адабиётларнинг деярли 85 фоизини лотин алифбосидаги адабиётлар ташкил қилади.

Электрон каталогни яратишда «АРМАТ» дастурий таъминотидан фойдаланилади. Электрон библиографик ёзувларнинг жами шу кунгача 42450 номга етди. Ягона китобхонлик гувоҳномаси асосида аъзо бўлган фойдаланувчилар 16700 нафарни ташкил қилади, бунга аҳолининг кенг қатлами ҳам киради. Ўтган йилда 417 000 га яқин китобхон қатновига 715 750 нусха китоб ва бошқа манбалар берилган. Мурожаатларни таҳлил қилганимизда, талabalар ва кенг китобхонларнинг бадиий адабиётларга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Таълим муассасасимида қирғиз тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олаётган талabalарни инобатга олиб, бадиий адабиётларимиз орасида Чингиз Айтматовнинг 8



жилдлик тўла асрлар тўпламининг қирғиз тилидаги нашри ҳам бор. Бу эса, қирғиз тили ва адабиёти йўналиши талabalарини АРМга ташрифини янада оширади.

Университет талabalari орасида АРМга келган янги адабиётлар тақдимотлари ўтказиб борилади. Шунингдек, тақдимот ҳақида университетнинг веб сайтига жойлаштирилади ва рўйхатлари барча кафедраларга тарқатилади. Университетнинг нашри ҳисобланган «Andijon yoshlari» газетасининг «Танишинг – янги адабиётлар» рукни остида янги адабиётларнинг қисқача мазмуну билан мунтазам таниш тириб борилади. Талabalар ўртасида энг фаол китобхон аниқланиб, улар АРМнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиб келинади.

Фойдаланувчилар ўзларига керакли маълумотлар, яъни илмий ишлари учун зарур бўлган адабиётларни бошқа кутубхоналардан топиш учун кутубхоналараро абонементдан фойдаланиш, излаб топиш ишларида мутахассис библиографлар хизматидан фойдаланиб, келишади. Бизнинг асосий вазифамиз эса, бевосита таълим жараёнига боғлиқлиги сабабли ахборот ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлақонли қондириш, яратилаётган шарт-шароитларни мукаммал даражада амалга оширишдан иборатdir.

Ахборот-ресурс марказида шу йилнинг январь ҳолатига кўра 62900 номдаги 472000 га яқин босма нашрлар, 100 дан ортиқ электрон нашрлар, 17560 номдаги адабиётларнинг электрон нусхаси мавжуд

Марҳабо Ахмедова, заместитель директора информационно-ресурсного центра Андижанского государственного университета (ИРЦ АГУ).

Основная деятельность ИРЦ АГУ направлена на обучение и развитие молодого поколения. Учебное заведение было открыто в 1931 году при филиале Ферганского педагогического института. В 2015 году было введено в эксплуатацию новое здание ИРЦ АГУ со всем современным технологическим оснащением и на сегодняшний день общий фонд библиотеки составляет более 500 тысяч единиц различной литературы. Кроме этого для студентов и преподавательского состава создан компьютерный класс, где можно пользоваться электронными ресурсами, в том числе зарубежными электронными базами. Основные электронные базы EBSCO и Elsevier, которые дают возможность пользоваться передовыми научными и диссертационными работами. ■